


**XXI АСР САДОСИ**  
**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 240 (11.301) Баҳоси эркин нархда


**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

**Каска** сатрларда

- **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг "Истиқбол" ёшлар қаноти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб ёшлар ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- **ШАҲРИМИЗДА** "Микрокредитбанк" ҳамда Республика "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ёш тадбиркорлар ўртасида уюштирилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Хамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати "Жамият янгилигини маънавиятнинг роли" деб номланди.
- **КЕЧА** Миробод туманидаги Фафур Фулом номидаги маданият уйида хонанда Давронбек Аъзамов билан ёшларнинг ижодий учрашуви уюштирилди.
- **ЎТГАН** кун Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабда Маънавият тарихот марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.
- **"ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ"** меҳмонхонасида ўтказилган матбуот анжуманида Навоий вилояти аэропортида Жанубий корейлик мутахассислар ҳамкорлигида бунёд этилган қўлайликлар, хусусан логистика маркази ҳақида сўз борди.
- **ХАЛҚАРО** ҳамкорлик марказида акциядорлик жамиятлари вакиллари иштирокида ўтказилган семинар иқтисодий реал сектори корхоналарининг фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.
- **ЎТГАН** кун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультетида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЎЗИГА ХОС САМАРА БЕРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАЁТГАН ХОРИЖИЙ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА. ЯРАТЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ, ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ТУФАЙЛИ ҲАМ ИЧКИ БОЗОРМИЗНИ СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШИШИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**



## Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Шаҳримизда ўн йилдан буюн самарали фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Asklepiy-Svit» қўшма корхонаси ҳам шундай корхоналар сирасига кирилади. Хозирда 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар унумли меҳнат қилаётган қўшма корхонанинг таъминот, ишлаб чиқариш цехлари ҳамда тажриба-синов лабораториялари замонавий хорижий технологиялар, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлангани боис ҳам жамоа ахлига мададкор бўлмоқда.

Мазкур корхонада тиббиёт масканлари учун 40 турдан ортиқ сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар: пахта, бинт, дока, салфетка, богловчи материаллар, аёлларга гигиеник воситалар ишлаб чиқарилади. Сифатга қаратилган асосий эътибор, цехларини замон талаблари даражасида модернизациялаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириб бориш туфайли буюртмачилар сафи доимий ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 2006 йилдан эътиборан мазкур корхона ахли барча маҳсулотларини «White GOLD» савдо белгиси билан тайёрлайди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда замон билан ҳамқадам корхонада ишлаб чиқаришда сифат менежменти тизимида иш юритилади. Яъни, бу ерда ишлаб чиқарилаётган ҳамма товар ISO 9001: 2000 Халқаро сифат даражасига тўлиқ жавоб беради. Шу сабабли ҳам ушбу қўшма корхонанинг маҳсулотлари нафақат республикамизда, балки Россия, Беларусь, Тожикистон, Украина, Қирғизистонда ҳам анчайин машҳур. Жорий йилда эса экспорт ҳажми ҳам ортиб,

буюртмачилар сафидан Афғонистон ҳамда Туркменистон давлатлари жой олишди. Корхона тадбиркорлари жамоа ютуқларини таъминлашнинг самарали йўллари устида тинмай изланилади. Ҳамкорлар, ҳаридорнинг хоҳиш-истаги, эҳтиёжлари доимий ўрганиб борилади, шартномалар узоқ йиллик муддатга тузилиши мақсадида изланилади. Тажриба-синов лабораториясида барча маҳсулотлар сифатига эътибордан ташқари, уларнинг (ҳар бир товар ҳамда янги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам қатъий равишда назоратда бўлади) бежирим, кўркам ва албатта қўлай шакл, ҳажмларда қадоқланиши таъминланади. Бунда мазкур корхона

ўз маҳсулотлари билан турли миқёсдаги юқори нуфузли кўрғазма, кўриқларда қатнашиб, тажрибаларини ошириб келаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли.

Жумладан, ушбу жамоа ишчи-хизматчиларига унумли меҳнат қилишлари ва яхши хордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Корхона маъмурияти уларни бепул тушлик, махсус иш кийимлари ва транспорт воситалари билан таъминлайди. Бу борада институтни тамомлаб, ишга келган ёшлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг керакли малака ва кўникма ҳосил қилишлари учун жамоада махсус иш режаси ишлаб чиқилган.

Инсон саломатлигига хизмат қилувчи маҳсулотларнинг турларини кўпайтиришни эзгу мақсад қилган корхона тадбиркорлари тинмай изланмоқдалар, фойдали лойиҳалар устида ишламоқдалар. Чунки ҳам ички, ҳам ташқи бозорда корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқдаки, бу изланишлардан, маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилганидан ёрқин далолат. Айни кунларда корхона келажагини белгилувчи режага кўра янги — бўш цехи учун хорижий, юксак самарали технология линия келтириб ўрнатилиши учун тайёргарлик кизгин бормоқда.

Мухими эса ушбу корхонанинг «White GOLD» савдо белгиси билан тайёрланаётган сифатли, рақобатбардош маҳсулотларининг асосий қисми «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан экспорт қилинмоқда.

Мухаббат **ХАБИБУЛЛАЕВА**  
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 20 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛИ КЎЧЛИРИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ 2009 ЙИЛДАН БОШЛАБ ЙИГИТЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ЙИЛИГА БИР МАРТА — ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР МАРТ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА УЙИГА ҚАЙТАДИ.**

### Фармон ва ижро

**ЧАҚИРУВ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА**

Соҳада амалга оширилаётган бу янгилик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг профессионал тайёргарлигини янада ошириш, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан етук ҳарбийларни тарбиялашга қаратилган.

Айни пайтда жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида чақирилувчиларни 2009 йилдан янги тартиб асосида, муддатли ҳарбий хизматга қақаришни юксак савийда ташкил этишга жиддий тайёргарлик кўриломоқда.

— Маҳаллий ҳокимликлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ҳамкорлигида ўтказилаётган учрашувларда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгиланган муддатли ҳарбий хизматнинг янги тартиби мазмун-моҳияти кенг тушунирилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳром Жуманиёзов. — Бўлажак аскарларга ҳарбий шарт-шароитлар ҳақида зарур маълумотлар берилмоқда.

Мудофаа ишлари бўлимлари ҳодимлари тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда чақирилувчиларнинг оилавий шароити, ҳарбий хизматга мослашув имкониятларини атрофлича-қаририлмоқда. Чақирилувчи-

## МЕТЕОРОЛОГЛАР ФОРУМИ ЯКУНЛАНДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА 5-11 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ҲАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ (ЖМТ) II (ОСИЁ) МИНТАҚАВИЙ УЮШМАСИНИНГ XIV СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) ҳамда ЖМТ ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ўттиз беш мамлакатдан бир юз элликдан зиёд мутахассис, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳасида фаолият юритувчи олим ва экспертлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда табиатни асраш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, хусусан, ерости ва ерости захираларини, сув ресурсларини тежаш ва инфосланишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган илчил сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши оқибатида турли экологик муаммолар юзга келмоқда. Бу жараён инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаётди. Бундай экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган БМТ конвенцияси ва Киото протоколига мамлакатимиз ҳам

аъзо. Юртимизда мазкур халқаро ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга оид ишлар кўламини тобора кенгаймоқда. Бунда иқлим ўзгаришига антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш, "иссиқхона ҳодисаси" ҳосил қилувчи манбааларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётди. 2010 йилга қадар ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш бўйича миллий стратегия соҳадаги ишлар изчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган миллий ва глобал сазй-ҳаракатлар натижалари таҳлил этилди. Бажарилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ва галдаги вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) бош директори Виктор Чуб Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) II (Осиё) Минтақавий уюшмасининг президенти этиб сайланди.

**Мадина УМАРОВА,**  
ЎЗА мухбири

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Юқори технологияли ишлаб чиқаришларга ўтиш ҳамда ҳозирги замон асбоб-ускуналари ва технологияларини жорий этиш — мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.
- «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган савобли ишлар қаторида Самарқанд шаҳрининг Ибн Сино кўчасида иккита кўп қаватли замонавий уй қуриб битказилди. Бу уйлар ёш оилаларга «Ипотека» банкининг вилоят бўлими томонидан имтиёзли кредит асосида берилди. 2009 йилда ҳам Самарқандда ёш оилалар учун яна иккита кўп қаватли уй қуриш режалаштирилган.
- Наманган вилоятида 16 ёшга тўлган турли миллатга мансуб ўғил-қизларга тантанали равишда фуқаролик паспортлари топширилди.
- Жиззахда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 62 киз белгиланган йўналишлар бўйича қобилияти ва иқтидорини намойиш этди.
- Тошкент Фотосуратчилар уйида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган аънавий кўрик-танлов «Маҳалладан бошланур Ватан» деб номланди.
- Фарғона Давлат университети марказий кутубхонаси негизида янги маърифат маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.
- Тахтақўпир тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг «2008 йилда аҳолини иш билан таъминлаш, ўзаро рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастури»га кўра жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 677 та янги иш ўрни ташкил этилди.
- Чирчиқ саноат-иқтисодий касб-хунар коллежида Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида «Касб-хунар коллежлари ва ҳамкор корхоналар ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш» мавзусида конференция ўтказилди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида рангтаъсир устаси Иброҳим Валихўжаевнинг шахсий кўрғазмаси намойиш этилмоқда.

## ЖАҲОНДА

- Бугун Россияда Конституция кун байрами ўтказилди.
- Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида халқаро Нобель мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Швейцария расмий равишда Шенген зонасига қўшилаётган бўлди.
- Кеча ўтказилган савдолар натижасида нефтнинг нархи қарийб 10 долларга ошиб, бир баррел «қора олтин» қиймати 48 долларлик кўрсаткичга етди.
- Хитойнинг Сичуань вилоятида яна ер қимирлади. Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича беш балл ташкил этиб, табиий офат натижасида икки киши ҳалок бўлди, уч киши тан жароҳатлари олди.
- Сомали денгиз қароқчилари Аден кўрғазмида Яман давлатига қарашли иккита баликчи кемани эгаллаб олишди.
- Жаҳон банки иқтисодиёти ноҳор давлатларга тезкор кредитлар бериш мақсадида жамғарма ташкил этди. Унинг умумий маблағи 2 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлади. Жамғарма тақлиф билан чиққан давлатларга таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ривожлантириш учун сармоя ажратади.
- Кеча Греция пойтахти Афина кўчаларида 15 ёшли ўсмирнинг полициячилар томонидан ўлдирилиши муносабати билан ёшлар ўртасидаги норозиликлар яна авжига чиқди. Бир неча кундан бери давом этаётган намойишлар натижасида илк бор тўполонлар ташкилотчилардан бири бўлмиш 20 ёшли йигитча шартли равишда бир йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.
- Кеча Парижда Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» асарига бағишланган суратлар кўрғазмаси очилди. Кейинчалик мазкур кўрғазма экспонатлари Москва, Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларида ҳам намойиш этилади.
- Кеча Москвада халқаро «Сталкер» кинофестивали очилди. Унда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси мавзусига бағишланган кинофильмлар намойиш этилмоқда.
- Италия 2009 йилда Афғонистон Республикасидаги ҳарбийлари сонини яна 500 нафарга кўпайтиришини маълум қилди. Унга кўра кейинги йилнинг биринчи ярим йиллигида Афғонистондаги Италия аскарлари сони 2800 нафарни ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида энергетика тизимини мустахкамлаш борасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда...

Истикболли лойиҳалар

ИЖОБИЙ САМАРА БЕРАДИ

БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТИМИЗНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ МУШКУЛ, АЛБАТТА. ТУРМУШИМИЗГА ЧУҚУР СИНГИБ КЕТГАН УШБУ БЕБАҲО НЕЪМАТ ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ ЧАРОҒИНИ, ДИЛЛАРИМИЗНИ НУРАФШОН ЭТАДИ.

даги таркибий ўзгаришлар тўғрисида эксперимент тариқасида соҳани бошқаришга хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш масалалари мавзусида брифинг ўтказилди.

«ЕДЕМ ENERGO INVEST» шўъба корхоналари ана шулар жумласидан бўлиб, ушбу мустақил операторлар танлов асосида ажратиб олинган эди.

ШХЖ директори Бахтиёр Халилов корхонанинг ўтган даврдаги фаолияти, амалга оширган ишлари, истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатишдаги, тўловларни йиғишдаги ижобий кўрсаткичлар хусусида батафсил тўхтади.

Абонентлар сони ошганининг асосий омилли таҳлил ўтказилгани ва истеъмолчилар билан электр энергияси етказиб беришга шартномалар тузилгани, шунингдек, ҳисобга олиш асосларисиз электр энергиясидан фойдаланувчи абонентларнинг аниқлангани бўлди.

изки, мустақил операторлар томонидан ҳисобга олиш ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб бўйича биллинг тизими, PAYNET орқали тўловларни абонентнинг шахсий ҳисоб варанга автоматик киритиш схемаси ишлаб чиқилиб, жорий этилди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Ким ҳақни танимас, ҳақни кўрмас ҳеч, Сен ҳам уни кўрма, танимаю кеч.

Жавонмардлик асоси икки нарса, Кулоқ солсанг, баён айлай уни рост. Биринчиси мудом афв эт дўстиндан Агар юз берса ҳар он юз кам кўст.

Ҳожатманд кишининг кўнгли жароҳат, Бу дарднинг давоси мурувват, шафқат.

Эҳсон қўлини оч, паришонликдан Очик қўл ҳам ҳотам номига парда.

Карамдан барчанинг мақсади шуки, Таратсин жаҳонда доврқ, овоза. Саҳоват Мисрию карам шаҳрида Унга мансуб бўлсин энг олд дарвоза.

Карам аҳли ўшади, келса агар ҳамиша Дил тўла умид билан остонасига гадо, У эҳсон кафтин очиб, бахш этса кўша-кўша.

Кирмаган нарсаларни гадо тушига ҳатто.

Сахийнинг қўлига нимаки тушса, У билан дўстларнинг кўнглин олади. Ва лекин бахилининг йиққан-тергани Ўлгач душманига ўлжа бергани.

Бахиллик йўлига кирмагин сира, Очик қўл яхшидир тугуқдан кўра. Тугилган кафт мушдир, берувчи томон Сўровчи юзига туширса ёмон.

Кўлингга борини айласанг эҳсон, Барча мушкулларнинг ечилар осон. Мол-дунё йиғишга тушаркан, тайин Қилмоқчи бўласан эртанги таъмин.

Сен-ку олтин-кумуш йиғасан ҳарчанд, Лекин ўзга киши бўлар баҳраманд.

Фунчадек ўралма япроққа, Гул каби сол уни товоққа.

Килар экан эҳсонун ниёз, Бирор ғараз кўзламаган соз.

Булут бўлса, ёғсин дашту сахрога, Ёққанидан нима фойда дарёга? Ёғса, гул, майсага буркар саҳрони, Лекин лойқалатар тиниқ дарёни.

Олтин бериб, фосиқ дилин қилсанг шод, Бўлар фиску фасод мажлиси обод.

Зар туйфайли золим бўлмиш зўр, Қўлда зулмининг зарҳал тиги — кўр. Бўса, унга зар айлама тортиқ, Бундан-да тез бўлмасин бу тиг.

Тўлдиргунча нокас чўнтагин зарга, Яхшидир дарёни кўмсанг гавҳарга.

Ношуқуру нонкўр бўлса ҳар инсон, Уларга хайр-эҳсон қилма ҳеч қачон.

Мудом эҳсон қилу санама ҳеч ҳам, Миннат айламоқдан узоқ юр ҳар дам.

Берган эҳсонингни қайтариб олсанг, Бу — саҳоват эмас, савдоқир, билсанг. Овчи тўрин ёзиб, сочар экан дон, Мақсадидир олмоқ ҳийла билан жон. Дунёда кўёшдек кўрсатиб ҳиммат, Барчага нур сочу айлама миннат.

Хазинада бойлик то экан пинҳон, Унинг оқибатин билмас ҳеч инсон. Бу сирни ечолмас оқил ҳаттоки: Сенга буюрарми, бошқага ёки? Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бунёдкорлик майдонларида

ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ УЙЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА

ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЖАМИЯТИМИЗ РАВНАҚ ТОПАДИ, ФАРЗАНДАРИМИЗ ОҚИЛ ВА ДОНО БЎЛАДИ. ЧУНКИ ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ОИЛА ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ ҲИСОБЛанади. ШУ БОИС БЎЛСА КЕРАК, МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ЁШ ТУРМУШ ҚУРГАНЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАКЛАШИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Айниқса, Ёшлар йиллида ёш оилаларнинг турмушини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, маданий-маиший шароитлар яратиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу борада Республикаимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони дастуруламал бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2200 йиллигини нишонлайдиган азим шаҳримиз мавзелари кўркамлигини ошириб, ёш оилалар қувончини таъминлайди, улар учун алоҳида қулайлик бўлади. Мирзо Улуғбек туманидаги «Қорасув-6» мавзесида қад ростлаётган ана шундай кўп қаватли бинолардан бири — 3-уй қуриб битказилди.

ларнинг ҳар бири 40 тадан хонадон аъзоларини ўз бағрига олади. «Узсаноатэнергоқурилиш» шўъба корхонаси бунёдкорларининг меҳнат самараси ва маҳоратлари акс этадиган мазкур биноларни қуришда айна пайтада 75 нафардан зиёд қурувчилар ғайрат кўрсатишмоқда.

лиги Тўлқин Мирзаев, — бунёдкорларимиз масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлашмоқда. Уйларнинг ҳар бири 40 тадан хонадонга мўлжалланган бўлиб, улар фойдаланишга топширилса, 160 та оила уйли бўлади. Бу дегани шунча ёш оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги таъминланади. Уйлар 2 ва 3 хоналардан иборат бўлиб, кенг ошхона, боҳаво айвон уларга ўзгача фойда ва қулайликдир. Иш жараёнида қурувчиларимиз асосан сифатга эътибор қаратишмоқда. Шу ўринда гишт терувчилар Абдуқадир Жамиллов, Равшан Каримов, дурадгор уста Ғофур Рисбоев, электр пайвандчи Ҳасбулла Қажомов, бригада сардори Султон Бўронов, кранчи Дилмурод Рўзибоевларнинг меҳнатларини таъкидласак арзийди.

Курилиш майдонида олиб борилаётган ишлардан шунинг сизиш мумкинки, ҳадемай мазкур турар жой бинолари кетма-кет фойдаланишга топширилиб, қўллаб оилаларни ўз бағрига олади. Ана шунда нишонланадиган уй тўйларида бахтиёр чехраларда шодлик, кўнглиларда нафақат қурувчиларга, балки шундай имкониятлар яратган умумиятимизга миннатдорчилик туйғулари жўш уради.

Шарофат БАХРОМОВА

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЛАШУВИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИгини ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Ҳозирги вақтда солиқ маслаҳатлашуви институти янада ривожлантириш учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилган. Айна вақтда мазкур соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш тизими кенгайтирилмоқда. Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилган фискал сиёсатни такомиллаштириш бўйича бизнес-форум эксперт кенгашининг йиғилишида шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Солиқ маслаҳатчилари палатаси, тегишли халқаро ташкилотлар вакиллари ва бошқалар иштирок этди. Ўзбекистонда солиқ маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши ҳуқуқий давлатни ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги шароитда солиқ тўловчиларга қўллаб масалаларни ҳал этишда малакали ҳуқуқий ёрдам берадиган солиқ ҳуқуқати ва маслаҳатлашуви институти янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда солиқ маслаҳатчиларининг ўрни каттадир.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗГАЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИШ, ЎКСИҚ ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛИШ МИЛЛАТИМИЗГА ХОС БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДАН САНАЛАДИ.

Тадбирлар

САҲОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник иходиёт маркази ташаббуси билан Япониянинг «Жайка» имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш халқаро ташкилоти, республика «Умр» жамғармаси, «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини, «Камолот» ёшлар ихтимойий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида «Файзиобод» гузарига ўтказилган «Хайр-саҳоват дилларга малҳам» деб номланган тадбирда айна шу борадаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

болаларни қўллаб-қувватлаш халқаро ташкилоти лойиҳа раҳбари Кумита Танако мамлакатимиздаги инсонпарварлик тамойилларида келиб чиқиб, амалга оширилаётган дастурлар моҳияти ҳақида тўхтади. Республика «Умр» жамғармаси раҳбари Равшан Тўлаганов, «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғун Қодиров, марказнинг тўғрақ раҳбари Ҳамидова Ҳамидова ва бошқалар сўзга чиқиб, Истиклол берган имкониятлар таъсири уларок имконияти чекланган болаларнинг иходиий камолоти йўлидаги ишлар қўламини хусусида ўз фикрларини билдиришди.

Ийгилишнинг яқинловчи қўлимида таълим-тарбия жараёнида алоҳида ўрнқ кўрсатган марказ аъзолари рағбатлантирилди. Кўнжук қуй-қўшиқ, дилрабо рақслар жўрлигидаги кеча йиғилганларда илҳ таассурот қолдирди. Хидирали ПАНЖИЕВ

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 1 МАЙДАГИ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИгининг 60 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ФАРМОНИ ТАЛАБЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА АНЖУМАН ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Ана шундай анжуманлардан бири куни кеча Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида уюштирилди. «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — олий қадрият» мавзусида ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент Давлат юридик институти доценти Ҳайдарали Мухамедов «Конституция — демократик ҳуқуқий давлат пойдевори», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) эксперт кенгаши аъзоси, минтақавий вакиллик бош мутахассиси Абдували Абдурахмонов «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»-ги Президент Фармони ижросида Омбудсманнинг ўрни, Республика Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституцион кафолати», Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Ҳайдарали Қораболаев «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича маҳаллаларда олиб борилаётган фаолият» мавзуларида фикр юритиб, йиғилганлар эътиборини бугунги куннинг муҳим масалаларига қаратдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўтказилаётган тадбирлар орқали ички ишлар идоралари ходимларининг малакасини ошириш ва бошқа давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик самарадорлигини кучайтириш каби мақсадлар кўзда тутилган. Шунингдек, тадбир давомида фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кўп қиррали давлат сиёсатининг, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар ва Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг янги босқичлари ҳақида фикр юритилар экан, бунинг албатта ҳар бир мансабдор шахс ҳамда фуқаролар учун бирдек фойдали ва кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, инсон эрки ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун туради. Шу боис ҳам унинг топталишига йўл қўймаслик учун ҳар бир киши энг аввало ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмоғи лозим, ўз ўрнида инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкам ҳимояланган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Бўлиб ўтган тадбирда соҳа мутахассислари мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларини билдириб, катнашчиларнинг барча саволларига жавоб бердилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ҳам республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида анъанавий хайрли тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кучи ва Қўрбон ҳайити умумхалқ байрамлари муносабати билан республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги нурунийлар ҳамда уларга хизмат қилаётган тиббиёт ходимларидан жами бўлиб, 200 нафар киши табрикланиб, уларнинг ҳар бирига байрам совғаларини топширилиб, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият каби эзгу тилаклар билдирилди.

Инсоннинг кўнгли нозик. Айниқса, кексаларнинг икки оғиз ширин сўз, озгина эътибор, самийий меҳр-муҳаббат билан кўнгли қўтарилади, дили равшанлашади, кўзи қувонади ва қўл очиб дуолар қилиб, қалб сўзларини, ташаккурларини билдиришади. «Мухтарам Президентимизга ғам-ҳўрликларни, катта эътибор бераётганликларни учун қалбимдан миннатдорлик билдираман. Бизнинг пансионатдаги хоналаримиз ёруғ, шинам, барча қулайликлар яратилган. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Бугунги тадбир ташкилотчиларига қатта раҳмат. Ширин сўзларини совғалари билан бизни кўрган келишибди, эътиборлари, меҳрибон-

чиликлари учун раҳмат, эзгу ниятларига етишим», — дейди майин жилмайиб 1-гурӯх уруш ногирони, кекса шифокор, нуруний чехрали инсон Турсунбой ота Хошимов. «Биз Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил, иноқ, яшаймиз», — дея сўз бошлади фронт ортда ишлаган меҳнат фахрийиси Валентина Чикова. Уруш йиллари машаққатини бизнинг авлод кўрди, ёшлар кўрмасинлар. Ҳозирда мен кексалик гаштини суриб яшайман. Давлатимиз раҳбарияти томонидан пансионатда ҳамма шароитлар бизлар учун яратилган.

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

УЛУФ АЙЁМ КУНЛАРИДА КЕКСАЛАРНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИБ, БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАШ, ДУОЛАРИГА САЗОВОР БЎЛАДиган ХАЙРЛИ, САВОБЛИ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ҲИСОБЛанади.

Пансионат маъмурияти, шифокорлардан ҳам мамнунимиз, инсон дони ғамхўрлигини, эътиборни ҳис этиб яшаса дили яйраб яна узоқ йил умргузаронлик қилгиси келар экан. Серкўёш, гўзал Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин, бағрикенг ўзбек халқини жуда ҳам яхши кўраман. Бизни йўқлаб, улуг байрамлар билан табриклар, муборакбод этиб, келишганлиги, совғалар ҳада этиб,

эътибор қаратилганлиги, энг муҳими эса меҳр-муҳаббат кўрсатишга ётганлиги учун ушбу хайрли тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор этаман», — дея сўзини якунлади В.Чикова. Меҳр билан олам мунаввар дейишганидек, кўнглини кўтариш, кексалар дуоларига сазовор бўлиш инсонни эзгуликка қозғайди. Улуғбек ПЎЛАТОВ



# ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ 2008

## МАҚСАД:

Педагогик грантлар дастурининг мақсади таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукаммаллаштириш, ижодий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, ойлик ва бир маротабалик тақдирлаш орқали халқ таълими педагогларини, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат.

## Йўналишлар:

1. Биринчи йўналиш - халқ таълими педагоглари (умумтаълим мактаблари);
2. Иккинчи йўналиш - ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари (академик лицейлар, колледж, олий ўқув юртлари);
3. Учинчи йўналиш - илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, тадқиқотчилар, докторантлар) ва олий педагогик таркиб вакиллари (кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар).

## ИШТИРОКЧИЛАР:

Танловда олий маълумотга ва 3 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга мактаб ўқитувчилари; олий маълумотга эга ва 5 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга академик лицей, колледж ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари; 5 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга илмий тадқиқотчилар ва юқори педагогик таркиб вакиллари қатнашишлари мумкин.

Танловда индивидуал ҳолатда (жамоавий аризалар қабул қилинмайди) кўрсатилган йўналишларнинг бири бўйича иштирок этиш мумкин.

## Ҳужжатлар 1 ЯНВАРГАЧА қабул қилинади!

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Рангли суратли иштирокчи анкетаси;
2. Паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган ҳолда);
3. Олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
4. Ходимлар бўлими муҳри туширилган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Лойиҳа;
6. Лойиҳа бюджети;
7. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси;
8. Илмий тадқиқотчилар эълон қилинган мақолалари рўйхатини илрва қилишлари лозим.

Ҳакамлар ҳужжатларни ётиқ мажлисда кўриб чиқадиган сўнг қарор чиқаради. Ҳакамлар қарори муҳрама қилинмайди. Танлов натижалари ҳақида фақат галибларга маълум қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига юборилади.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси  
Тел.: (998 71) 239 2932, 239 2933  
Тел./Факс: (998 71) 239 27 71  
http://www.fundforum.uz  
e-mail: info@fundforum.uz

Вилоятда яшовчи номзодлар ҳужжатларини «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлинмаларига топширишлари мумкин.

### Вилоятдаги телефонлар:

Қорақалпоғистон Р-си	(8361) 770-69-23
Андижон вилояти	(8374) 298-19-17
Бухоро вилояти	(8365) 770-09-20
Жиззах вилояти	(8372) 771-69-13
Қашқадарё вилояти	(8375) 771-19-18
Навоий вилояти	(8436) 770-29-21
Наманган вилояти	(8369) 223-09-16
Самарқанд вилояти	(8366) 210-19-14
Сирдарё вилояти	(8367) 221-09-12
Сурхондарё вилояти	(8376) 770-89-19
Тошкент вилояти	(8373) 150-69-10
Фарғона вилояти	(8373) 229-79-15
Хоразм вилояти	(8362) 770-49-22

## Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (таъсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:  
1. 2009 йил 22 январь

соат 10.00 да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
1.	4И	«Чорсу савдо маркази» АШБ—«Чилонзор буюм бозори» АШБ	Йўналишли такси
2.	18М	«Авиасозлар» АШБ—«Кўйлик М2» АШБ	Йўналишли такси
3.	46М	«Иzza» мавзеси—«Чилонзор савдо маркази» бекати	Йўналишли такси
4.	68М	«Ҳасанбой» даҳаси—«Чорсу савдо маркази» АШБ	Йўналишли такси
5.	71М	«Чилонзор 25 мавзеси» АШБ—«Олой бозори» бекати	Йўналишли такси
6.	77М	«Пахтакор» метроси АШБ—«Ўнқўрғон» қўрғони	Йўналишли такси
7.	119М	«Мажнунтол» маҳалласи—«Кўйлик М4» АШБ	Йўналишли такси
8.	136М	«Кўйлик М3» АШБ—«Олой бозори» бекати	Йўналишли такси
9.	150М	«Кўйлик 1 мавзеси» бекати—«Алимкент 1-тор кўчаси» бекати	Йўналишли такси
10.	186М	«Болалар сил касаллиги санаторийси» бекати—«Чорсу савдо маркази» АШБ	Йўналишли такси

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «InfinBANK» даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600)га 54100 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6- уй.  
Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

### ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар со-вриндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган хайвонлар: уссури йўлбарслари, қўнғир айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масҳарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

## Тошкент давлат цирки ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўқувчиларнинг қишқи таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртақлари» цирк спектаклига тақдиф этамиз.

Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

«Тошшаҳарнур» Давлат унитар корхонаси раҳбарияти, ишчи-ҳодимлари кўп йиллар давомида корхона раҳбарининг молия-иқтисодий бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келган

Камолитдин ЯДГАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 16 декабрда чиқади)

### ДИҚҚАТ, ОБУНА!

## Тошкент Вечерний Оқшом Ташкент

2009 йил учун Республика нашрларига обуна қабул қилиш давом этмоқда.

Обунани шаҳарнинг барча алоқа бўлимларида ва Бошпочтамтда расмийлаштиришингиз мумкин.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича 233-47-49, 233-73-56 телефонлари орқали тулиқ маълумот олишингиз мумкин.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

## «ZAMIRAXON ZARGAR SAVDO»

хусусий корхонаси ўз ихтиёрига кўра тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади. Манзил: Буюк Ипак йўли кўчаси, 178-Б- уй

Тел. 704-30-30 ИНН: 206022524



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3257 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

12.6